БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 19 июнь Сешанба № 115 (13.551). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

18 июнь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг иккинчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Йиғилганлар икки сессия оралиғида вафот этган Ўзбекистон ССР халқ депутати М. Қиличевнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов Уш вилоятидаги воқеалар муносабати билан тузилган жумҳурият штабининг иши тўғрисида ахборот берди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳалок бўлганлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш. М. Мирзиёев мандат комиссияси маърузасини қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Шўроси мандат комиссиясининг маърузаси юзасидан Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг биринчи сессиясидан кейинги даврда сайланган Ўзбекистон ССРнинг 39 нафар халқ депутати ваколатини эътироф этди.

Сессия ишининг кун тартиби тасдиқланади. Депутатлар мулк тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, конституцион назорат тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишлари, Конституцион Назорат қўмитасини тузишлари, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан тадбирлар тўғрисидаги ҳукумат ахборотини, шунингдек, СССР Олий Шўросининг «Хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оилани мустаҳкамлаш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ҳақида» қабул қилган қарори хусусида доимий комиссиянинг маърузасини тинглашлари керак. Бошқа бир қанча муҳим масалаларни ҳам кўриб чиқиш лозим бўлади.

Олий Шўро биринчи масалалар қаторида Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш доимий комиссиясининг раиси депутат А. А. Йўлдошев маъруза қилди.

Муҳокамада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари А. Одилов, М. А. Ибодуллаев, А. Т. Мавлонқулов, Б. Раҳмонов, Қ. Саидов, Муҳаммад Солиҳ (Салой Мадаминов), Т. Ҳошимов, А. Р. Абдуллаев, Н. Саъдуллаев, Қ. Турсунов, А. Асқаров, Т. Баркашев, В. Содиқов, Э. Хўжаев қатнашдилар.

Депутатлар Қонун лойиҳасини асос учун қабул қилдилар, доимий комиссияга айтилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, уни қайта ишлаб чиқишни ҳамда Олий Шўро тасдиғига тақдим этишни топширдилар.

Деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги доимий комиссиясининг раиси депутат А. Х. Тошкенбоев Ўзбекистон ССРнинг ер тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Мунозараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Ш. Муродов, Х. Э. Бердиев, Р. Тожиев, Э. Т. Шайхов, Ғ. Н. Ҳожиев, З. З. Нуриддинов, Б. Ж. Ҳакимов, С. Усмонов, А. Ниёзов, А. Исаев, Т. Ф. Қодирова ва бошқалар сўзга чиқишди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бу Қонун лойиҳасини ҳам асос учун қабул қилдилар, у узил-кесил ишлаб чиқиш учун доимий комиссияга қайтарилди, сўнг Олий Шўро тасдиғига тақдим этиладиган бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.





СУРАТЛАРДА: сессиядан лавҳалар.

Суратчи Е. БОТИРОВ.

Миллийлик болаликдан бошланади

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кинотомошахонасига мусиқа оламига яхши ниятлар билан қадам қўяётган ёш созандалар ва уларнинг мураббийлари ташриф буюришган. Бу ерда Ўзбекистон Маданият вазирлиги, Касаба уюшмаси жумҳурият кенгаши ташаббуси билан ўтказилиб, анъанага айланиб қолган, пуфлаб чалинувчи созларнинг III жумҳурият кўрик-фестивали бўлиб ўтмоқда эди. Кун тартибидаги режага кўра дастлаб ўзаро баҳслашиш учун саҳнага мактаб ўқувчилари чиқишлари белгиланган. Томошахона ёшлар билан гавжум. Ташкилий қўмита вакилининг гапига қараганда бу йил кўрикда иштирок этиш учун Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти вакилларидан ташқари барча вилоятлардан ёш созандалар ташриф буюришган экан. Бу шубҳасиз, кўрикнинг йилдан-йилга оммавийлашиб бораётганлигидан далолат беради.

Саҳнага мусиқа асбобларини кўтариб олган ўсмирларнинг чиқиши билан залдаги ғала-ғовур тинди. Ҳамманинг нигоҳи ўртани олиб борувчи сўзамолга қадалган. Кутаяпмиз, нимани эълон қилар экан.

Андижон вилоятидан ташриф буюрган «Пахтакор» дастаси ижросида ҳаммага маълум бўлган «Ғалаба куни» куйини ижро этишлари эълон қилинганидан кейин залда яна ўзаро ғала-ғовур бошланиб кетди. Биттаси: «Бу куйни минг марта чалишган, замонавий эмас» деса, яна бирови: «Барибир бизчалик қойил-мақом қилиб ижро эта олишмайди», деб шивирлашишарди.

Андижонликлар ижро этган бу куйнинг ижро этилиши ёмон эмас. Ҳали айтган киноячининг гапларига қўшимча мен бу куйни бошқа вилоятлардан келган дасталар ижросида яна бир неча бор эшитишимга тўғри келди.

Қайта қуриш шарофати ила адабиёт ва маданият соҳасида унутилиб, йўқолиб кетиш арафасида турган кўпгина, яхши удумларимизга иккинчи умр бағишладик. Мусиқамиз бир вақтларда кимлар учундир иккинчи даражали иш бўлиб қолганди. Унга ўгай кўз билан қарашлар натижасида бироз ривожланишдан қолди. Шу сабаб ёшларимиз «Тановар», «Дилхирож»лардан кўра кўпроқ «Танго», «Ча-ча-ча»га ўхшаш ҳар хил бир-биридан ошиб тушадиган, қулоқни қоматга келтирувчи хорижий куйларнинг ишқибозларига айланиб қолишди.

Мен «Ғалаба куни» куйини чалганликлари учун ёш созандаларни қоралаш фикридан узоқман. «Ғалаба куни» куйини бир марта эмас бир неча марта ижро этсангда оз. Улуғ Ватан урушида ғалаба қозониш учун халқимизнинг оз-мунча ўғил-қизи шаҳид кетдими? Мен бу-ерда шуни айтмоқчи эдимки шогирдга баҳо беришса уни тарбиялаган устознинг иши, меҳнати ҳам баҳоланади. Шогирд ёмон чалаяптими демак устоз ёмон ўргатган. Ўша кунги бир-иккита чалинган ўзбек куйидан бошқасини миллий деб айтиш қийин. Демак яна устозлар ёмон ишлашаяпти. Устозларнинг ўзи миллий куйларни ижро этишни билмайдилар. Миллийлик болаликдан бошланади. Жумҳуриятда миллий куйларни яратувчилар озми? П. Х. Ҳолиқов, В. Ф. Пўлатовлар қай бир бастакордан кам. Шу куни жаҳонга машҳур композиторлар Бородин, Чайковский, Мусоргский, Римский — Корсаков, Дунаевский, Шостакович, Бахнинг ижодидан намуналар ижро этилди. Бу албатта яхши. Буюк композиторларнинг асарлари ёш созандалар томонидан маҳорат билан ижро этилганлигини кўриб қувондик. Лекин буни миллий мусиқа маданиятимиз дурдоналарини бир чеккага суриб қўйиш эвазига қилишга асло ҳаққимиз йўқ.

Сурнай, қўш най, най, буломон каби ўзбек миллий пуфлаб чалинувчи мусиқа асбобларидан таралган куйни эшитсангиз чарчоғингиз унут бўлиб, ўзингизни енгил сезасиз. Афсуски, мен бу мусиқа асбобларини шу куни кўрикда учратмадим.

Яна ўтмишга мурожаат қиламиз. Ахир ўтмиш-бугуннинг тарихи деб бекор айтишмайди-ку. Олдинлари қишлоқ тўйларини сурнайсиз тасаввур қилолмасдик. Сурнайдан чалинган куй бутун қишлоққа тарқалиб тўй бошланганлигидан дарак берарди. Ҳозирчи... Борида бор. Йўғида эса баҳона бор. Битта ҳофиз билан суҳбатлашгандим. Сурнай, най, қўш най, буломонларни чалиш жуда қийинмиш. Унинг учун одам ўта соғлом бўлиши керак экан. Бунинг устига саломатликка зиён эмиш.

Ҳофизнинг қанчалик ҳақ-ноҳақ эканлигини билмадим-у, Тўрткўл ноҳиясида яшовчи нуроний Йўлдош Отажонов 80 ёшни қоралаган. Ҳеч вақт сурнай чалганликлари учун ўз саломатлигидан шикоят қилмайди. Шуни айтиш мумкин-ки, унинг шогирдлари ҳозирги кунда бир нечта. Улар ҳам саломатликларидан нолишаётгани йўқ.

Энди шу кўрик ташкилотчиларига ҳам андакгина эътирозимиз бор. Кўрикнинг ташкил қилинганига уч йил бўлди. Уч йилдан буён миллий куйларимиз бармоқ билан саналишидан нарига ўтмаяпти. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил дейди халқимиз. Саҳнада куй ижро этаётган даста шаънига айтилаётган пичингларни қандай тушуниш керак. Ахир бошқаларни ҳурмат қилсанггина ўзинг ҳурмат кўрасан. Иштирок этувчиларнинг кийим-бошларига қараймиз. Ўзига тўқларининг кийимлари бир нави. Кўпчилик дастанинг уст бошлари ҳар хил. Бирида оқ, бирида қора...

Жумҳурият Маданият вазирлиги маданий-маърифий муассасалар бошқармасининг бошлиғи, ташкилий қўмита аъзоси Карим Азимовдан ўзбек куйлари кам чалинганлигининг сабабини сўраганимизда ҳатто бу йилги кўрик олдинги йилларидагига қараганда миллийлиги бўйича анча яхши эканлигини, бундан кейин унга кўпроқ эътибор берилишини айтди.

Биз ҳам шунинг тарафдоримиз. Миллий куйларимизнинг қанчалик кўп ижро этилгани шунчалик мусиқамиз хазинасини бойитади. Айниқса, ёшлар ижро этишса.

Мирза АБДУЛЛА.

Шоир номи берилди

ИСТЕЪДОДЛИ шоир Назар Шукур қисқа, аммо сермазмун умр кўрди. У ўзининг бор-йўғи 10 йиллик ижодий фаолияти давомида «Кўкдаги умр», «Қишлоқ йўлларида», «Видо», «Вақт хиёбонида» каби тўпламлар яратиб, шеърият мухлислари қалбидан муносиб ўрин олди. Зеро, бугунги кунда шоирнинг асарлари унинг иккинчи умри бўлиб қолган.

Яқинда Назар Шукур таълим олган Чироқчи ноҳиясидаги 5-мактабга унинг номини беришга бағишланган тантана бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари Шукур Қурбон, Жўра Алимардон ва бошқалар Назар Шукур ҳақида сўз юритишиб, ўз ижодларидан намуналар ўқишди.

У. БЕРДИЕРОВ,
Қашқадарё вилояти.

Байроқ ёшларда

МАРҒИЛОН ипак ишлаб чиқариш корхонасида кўплаб комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Айни кунда бирлашма ёшлари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Бу мусобақада А. Юсупов бошчилик қилаётган учинчи комсомол-ёшлар бригадаси пешқадамлик қилаётир. Бригада аъзолари ойлик режа ва мажбуриятларини 108,5 фоизга бажариб, 103 килограмм маҳсулот ишлаб чиқардилар. Тайёрланган ипакнинг 87,5 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Бу режадагидан 51,2 фоиз кўп демакдир. Бригаданинг қўлга киритган ютуқларида М. Ҳасанова, М. Маҳмудова, М. Собирова сингари комсомол-ёшларнинг қўшган ҳиссалари катта бўлди.

А. ҚУТБИДДИНОВ,
Фарғона вилояти.

Долзарб мавзу

Бир-биримизни асрайлик

УШ ВИЛОЯТИДАГИ фожиалар бошланган кунларда мен Хўжаободда эдим. Июнь ойининг ўша ташвишли кунлари Абдулла Набиев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги маҳаллаларнинг аҳолиси кўз юммади. Эл бошига кулфат тушган пайтларда маслаҳатлашиб, келишиб иш тутишга ҳаракат қилишди. Бу ерда асосан ўзбек ва қирғиз оилалари иноқ яшашади. Шу вақтга қадар улар орасида бирон-бир хунук воқеа содир бўлганини билмайман. Бир-биримиздан «Сен қирғизсан», «Сен ўзбексан» деган гап-сўзни ҳеч эшитмаганман.

Уш вилоятида юз берган даҳшатли воқеалар бехосдан келган сел-дай қалбимиздаги иниқликни ювиб кетди. Қалбларни ташвиш, ҳадик, қўрқув қамраб олди. Ҳаммаёқда миш-мишлар. Ким ўйлаб чиқаряпти экан уларни. Ҳеч ким айта олмайди. Ана шу миш-мишлар қанча-дан-қанча одамларнинг ёстиғини қуритмади, ахир. Икки туркий халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошликка рахна солмадими?

Жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов қонли воқеаларнинг янада алангаланишининг олдини олиш мақсадида СССР Президенти М. С. Горбачевга икки бор телеграмма жўнатди. Лекин кечикиб жавоб бўлди. Шу ерда мени ғазабга келтирган яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Ахир шунча одамнинг қони тўкилиб турса-ю, СССР Олий Шўроси Миллатлар Кенгаши бирор оғиз сўз айтмаса. Ахир Миллатлар Кенгаши ва унинг раиси ўртоқ Р. Н. Нишонов шундай оғир пайтда халқимиз олдига келиб, унга ёрдам қўлини чўзмаса, ким чўзади? Мен тушунолмай қолдим. Балки янглишаётгандирман. Ёки Миллатлар Кенгаши номигагина тузилганмикин?! Унинг мақсади нима ўзи?! Бу саволларга ким аниқ жавоб беради? Ким шундай қонли воқеаларнинг олдини олади?

Ахир ўша кунлари аёлларимиз, оналаримиз камида ўн ёшларга кексайиб қолишди. Қўшниларимизнинг бир ой давомида не ҳасратлар билан етиштирган пиллалари чала-чулпа терилди, икки-уч кун кечикиб топширилди. Тандирда ёпилган нонлар узилмасдан қолган ҳоллар ҳам бўлди. Албатта, шу таҳликали кунларда бирор ўзбек аёлининг хотиржам ухлаганига ҳеч ким кафолат беролмайди. Энди сиз қирғиз хонадонига келин бўлиб тушган ўзбек қизининг аҳволини тасаввур қилиб кўринг-а?! У акасининг ёнига югурсинми? Эрини йўлдан қайтарсинми? Ёки нажот кутаётган болаларини бағрига олсинми? Нима деб ўйлайсиз? Бир аёлга шунча кулфат оғирлик қилмайдими?

Бугун неча минг йиллик синовдан ўтган дўстлик қил кўприк устида турибди. Ахир бир-бири билан аразлашган икки инсонни муросага келиштиришнинг ўзи қанчалик машаққатли. Агар икки халқ ўртасидаги дўстликка рахна тушиб, муносабатлар мувозанати бузулгудек бўлса, тарих олдида жавобгар бўлиб қоламиз. Келажак авлод бизни кечирмайди. Бу йўқотиш икки халқ учун ҳам қимматга тушади: ўзбекнинг ҳам, қирғизнинг ҳам кўзи ерга қадалади, қадди букилади. Уларнинг кўнглидаги туманни тарқатиш учун яна неча аср керак эканлиги ҳам номаълум бўлиб қолади.

Демак, биз бугун сўнгги имкониятларимиз, сўнгги бардошимиз, сўнгги кучимиз, сўнгги умидларимизни сарфлаб бўлса-да, бу фожиаларнинг бош айбдорларини қидирмоғимиз, ўзимизнинг оқилона ҳаракатларимиз, тинч-тотув муносабатимиз билан уларнинг ёвуз ниятлари илдизига болта урмоғимиз лозим. Ахир қирғиз ҳам, ўзбек ҳам она Туркистоннинг фарзанди-ку! Демак, улар катта мақсадлар йўлида бирлашмоғи шарт бўлган битта уруғдан тарқалган қариндош халқлардир. Уларнинг орасида қилдек адоватнинг бўлиши мумкин эмас.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИМ! Мен сизнинг меҳнаткаш қўлларингиздан ёвузлик келишига ишонмайман. Укажонлар шошилиб, ножўя қадам босишдан ўзингизни тийинг, токи бизнинг жиндеккина бебошлигимиз, озгина тезоблигимиз туфайли халқимизнинг юзи қора бўлиб қолмасин! Шунинг учун мен сизларга вазминлик тилайман. Гўдакларимизнинг юраклари хаста бўлиб қолмасин, оналаримизнинг сочлари барвақт оқармасин десангиз, чумолининг ҳам инига озор берманг, одамларнинг ҳаловатини бузманг.

Орамизда юрт бошига тушган мусибатдан ўз манфаати йўлида фойдаланиш пайида бўлиб, ваҳима тарқатаётган ғаламислар йўқ эмас. Ўз чўнтакларини қаппайтириш мақсадида элни қочирган, ақлидан оздирган кимсалар ҳам ўшалар эмасми! Юрагида гўдакларга нисбатан ҳам шафқат бўлмаган, ҳаромдан ҳазар қилмаган, уволдан қўрқмаган кимсаларда миллат, халқ, Ватан тушунчасининг бўлиши мумкинми? Безориларнинг миллати бўлмайди. Уларга барибир. Яралгандан буён бир юртда яшаб, бир ҳаводан нафас олаётган бу икки халқни исми-шарифларидан ҳам фарқлаб бўлмайди-ку! Тарихнинг нечоғлик қора кунларида ҳам бир-бирига қўл кўтармаган бу халқларнинг анъаналари, урф-одатлари ҳам уйғунлашиб кетган.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! Бузғунчиларнинг макрига учмаслик, домига илинмаслик учун оналаримизнинг дуоига, оталаримизнинг насиҳатига қулоқ солинг! Боғчасига боролмаётган кичкинтойларнинг ўйинларини томоша қилинг! Суйган ёрларингизнинг кўзига қаранг! Улар хотиржамлик истайдилар! Тинчликнинг ўрнини босадиган куч йўқ бу дунёда!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ёш ленинчи» ҳузуридаги «Шуъла» адабий уюшмасининг аъзоси, шоира.

Съезддан кейинги ўйлар

ДАРДЛАР ДУНЁСИ

БОШЛАМА

ПАРТИЯ обрўси, тақдири, истиқболи ҳақида кўп гапирадиган, кўп ўйлайдиган бўлиб қолдик. Нега? Бу саволга айримлар фақат кечаги кун раҳбарларининг шахсиятпарастлиги, обрўпарастлиги, пулпарастлиги ва бошқа параст-парастликлари туфайли партия обрўсидан ажралиб қолди, деб жавоб қилмоқдалар. Назаримда, бу аниқ жавоб эмас. Энг аввало, ўша раҳбарлар ўз обрўларидан (агар ҳақиқатда бор бўлса) жудо бўлдилар. Қолаверса, бу бир ёқлама баҳолашдир. Хўш, ўша раҳбарларни ким сайлаган эди? Ҳа, шароит ундай, шароит бундай эди, деб баҳона қидирамиз. Аслида партия билети кўзимизга олтин бўлиб кўрингани, мансаб ҳаёт-мамотга айланганини айтмаймиз. Бу — биринчи нуқсонимиз.

Иккинчиси шуки, дўст ачитиб гапиради деган калимани жуда кўп ишлатамиз. Бироқ унга амал қилмаймиз. Худди ҳали ҳам бешикдаги болага ўхшаймиз. Болакайнинг қўл-оёғи боғланган. Ҳатто ечишганда ҳам у қўлларини қимирлата олмайди, нажот кутади. Увишиб қолганда! Бизнинг ҳам қўлларимиз увишганга ўхшайди. Баъзан «кимдир» уни кўтараётганга, тушираётганга ўхшайди. Нима учун? Бу ёғи қизиқтирмайди. Аммо кейинчалик қўлимиз кўтарилгани туфайли отга минган «ака»нинг ҳатти-ҳаракатларидан нолиймиз. Шунда ҳам унинг нуқсонини кўзига қараб туриб айтолмаймиз. Уни мақтовга ошуфта қилганмиз, ўзимизни хавфсираш касалига йўлиқтирганмиз.

Яна бир қусуримиз бор. Керакли одамни керакли вақтда ҳимоя қилолмаймиз. Нима бўларкин деб кутиб тураверамиз. Унинг қанотларини синдириб, патларини юлиб, қўйиб юборишгач, «вой бечора-ей», — деб кафтимизга оламиз. Лекин энди у парвоз қилолмайди. Совуққа бардоши йўқ, яшаганда ҳам хонаки жониворга айланиб қолади, холос.

Ҳаётимизда, жамиятимизда фаолиятимизда бўртиб турган шу нуқсонларни илгари катта-кичик кўп йиғилишларда кўраверib кўз қотган экан, барибир бир кун бу иллатдан халос бўлармиз, деган илинж ана шу «қотма»ни эритиб турарди. Қарангки, қутулишимиз, халос бўлишимиз мушкул экан. Буни исботлашга, далиллашга уриниб кўраман.

ОВОЗ

ЕТМИШ йил нари-берида нима орттирдик? — деб сўрасангиз «овоз» дея жавоб қилардим. Фақат шу мулк ўзимизники, истасак ашула айтамиз. Истасак койинамиз (бунисига кўпроқ мойилмиз). Истасак сайловдами, бирор қурултойдами кимгадир овоз берамиз. Лекин овознинг қадр-қиммати ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Цезарга «Қандай қилиб машҳур бўлдинг?» — дейишганда:

— Овоз туфайли, — деган экан. — Аввало ўзим яхши гапиришни ўргандим. Овоз қадрини оширдим. Кейин бошқаларни ҳам шу йўлга бошладим.

Ҳа, кимдир олий мақсадларда, кимдир маълум ниятларда овозга таянади. Геббелс мафкурасининг таянчи нима эди? У овоз оломонни халққа, халқни оломонга айлантиришини биларди. Шу боис йиғинларда машқдан ўтган бақироқларни ҳар ер-ҳар ерга қўярди. Бақириқ-чақириқлар туфайли туппа-тузук халқни оломонга айлантириб юборди.

Хуллас, мисоллар кўп. Аммо биз овозимизнинг ўрнини ҳали англаб етганимиз йўқ. Шу боис айрим ...параст-парастлар билдирмасдан бундан фойдаланиб олишмоқда. Хўш, айтинг-чи, Рашидовни мақтаб-мақтаб осмонга олиб чиқиб қўйган нима эди? Овоз эди. Кимнинг овози? Ҳа, ўзимизники! Ахир унинг китобларини ҳар бир сўзигача таҳлил қилиб, юртга жар солганда кимнинг овози янгради? Энди бугун унинг китобларини йиғиштириб олишга овоз берган ким? Ахир Ш. Р. Рашидов ўлаётиб: «Мени Ленин музейи қаршисига кўминглар», — деб фармойиш бермагандир? Бироқ, шуни ҳам унинг иллати деб баҳоладик-ку?

Москвада Иттифоқ Прокуратурасининг қоровули ҳам «рашидовчилик» ҳақида маъруза қилади. Овози дўриллайди. Шу билан у бутун бир халқни «рашидовчилар» деб атайди. Бизнинг эса овозимиз ичимизда. Аслида Рашидовга ким баҳо бериши керак? Жабрини тортган бўлсак, уни айтайлик, хизматини кўрган бўлсак, уни! Хуллас, овозимизни чиқариб, холис фикр юритайлик. Қўрқдик, қўрқамиз! Жумҳурият коммунистлари XXII қурултойида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов бу хусусда дадиллик, қатъият, довюраклик билан гапирди. Албатта, бу Марказқўмнинг фикри сифатида янгради. Таассуфлар бўлсинким, сўзга чиққанлар бу масалани четлаб ўтдилар. Агар фақат Ўткир Ҳошимовнинг кичик бир иборасини ҳисобга олмаганда бошқалар бу хусусда овозларини чиқармадилар.

ҚУРУЛТОЙГА қадар ноҳияларда, вилоятларда, коммунистлар уюшмаларида йиғилишлар бўлди. Хизмат юзасидан баъзиларида иштирок этдим. Совуққонлик, лоқайдликдан ҳайратга тушдим. Самарқанд вилояти коммунистларининг конференциясида бирорта номзод атрофлича муҳокама қилинмади. Ҳаммаси «муқаддас» рўйхат асосида. Уни ким тайёрлаган? Ҳа, «аппаратчи». Хўш, нега биз овозимизни ўша «аппаратчи»га арзон-гаровга сотиб юбордик? Бу савол менга тинчлик бермайди. Айтинг, бундан кейин, яна даъво қилишга ҳаққимиз борми?!

Жумҳурият коммунистлари қурултойи кунлари Жомбой ноҳиясининг Улуғбек номли давлат хўжалигидан бир неча киши ариза билан ҳузуримга келишди. Юздан зиёд одам имзо чеккан. Унда съезд делегати, мазкур хўжалик директори Самад Сатторовнинг ишлари, ҳатти-ҳаракатларидан норози эканликларини баён қилишган. Даҳшатлиси шундаки, С. Сатторовни уларнинг ўзлари вилоят Шўроси депутатлигига сайлашган. Кейин ноҳия, вилоят ва жумҳурият коммунистлари анжуманларига жўнатишган. Нега сайлов пайтида унинг айблари айтилмади? Нега давлат хўжалиги фирқа йиғилишида унга эътироз билдиришмади? Ҳозир ҳам ҳуқуқ жамоанинг қўлида-ку? Улар ёзган аризаларида С. Сатторовнинг сўзларини келтиришади: «Мен вилоят Шўроси депутати сифатида бир тийин пул олмайман, менга депутатликнинг кераги ҳам йўқ!» Шундай экан, нега уни депутатликдан чиқариб олмайсиз? Ахир, овозингизни оёқ ости қилманг, унинг қадрини баланд тутинг!

Худди ана шундай руҳ ва талаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Сиёсий маърузасида яққол сезилиб турди. Илгарилари маърузалар йўлигагина бўларди-ю, дард-ташвишлар четда қолиб кетарди. Энди эса халқимизнинг жуда кўп ташвишлари, хоҳиш-иродаси маърузада ўз ифодасини топганди. Аммо унинг муҳокамасида сўзга чиққанлар анча ортда қолиб кетдилар. Халқнинг дардини айта олмадилар, асосий маърузани тўлдириш ўрнига, унинг руҳини анча туширдилар. Албатта, бу бирдай ҳаммага тааллуқли эмас. Андижонлик онахон Тўлқиной Каримова, самарқандлик Г. С. Паряеваларни бу таркибга қўшиб бўлмайди. Уларнинг овозлари баралла эшитилди. Қўйган масалалари халқнинг дошқозонида қайнаб турган эди. Шу боис ҳам кишида эртанги кунга умид уйғотади.

Назаримда, жумҳуриятда кўпроқ ана шундай оддий кишиларга сўз бериш зарур эди. Улар халқ орасидан келишган. Вилоят фирқа қўмиталарининг биринчи котиблари пленумларда қанча марталаб сўзга чиқишган. Тағин уларни эшитиш янгилик эмас. Қолаверса, улар Марказқўм аъзолари. Демак, ўзлари ҳақида ўзлари гапирган бўлиб чиқаяпти.

Кўп нотиқларнинг нутқларидаги умумийликнинг сабаби ҳам ана шунда. Битта мисол келтираман. Тошкент вилояти фирқа қўмитаси котибаси Ш. Маҳмудова нима учун сўз сўраганини мен англаб етолмадим. Мафкура оламида нималар бўлаяпти? Тугуннинг на боши бор, на оёғи? Нега шу соҳани бошқариб турган киши дадиллик, қатъият билан бор ҳақиқатни айтмайди? Бўка, Паркент воқеаларини санаб ўтиш керак эмас, айбдорларини айтиш зарур. Ҳали Паркентда тўкилган қон қотмаган. Халқ бор ҳақиқатни билмоқчи. Ҳақиқат эса вилоят доирасида айланиб, чалажон бўлиб ётибди. Коммунистнинг овози у адолатни, ҳақиқатни сўзлаганда эшитилади.

ОРТДАН ГАПИРИШ ОСОН

КИШИНИНГ мардлиги эса унинг ҳар кимнинг хатосини юзига айтиш, орқадан мағзава тўкмаслиги билан ҳам ўлчанади. Бироқ, минг карра таассуфлар бўлсинким, биз ортдан гапиришга одатланиб қолаяпмиз. Мана, жумҳурият коммунистлари XXII қурултойида сўз олган нотиқларнинг нутқларидан парчаларга разм солинг:

«...Сизларга маълум бўлган савдо министри Литвиненко жиноятга бориб тақаладиган суиистеъмолларга йўл қўйганида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уни жавобгарликдан қутқариб қолди». Бундай қараганда дадил гап. Ахир Марказқўмни танқид қилаяпти. Аммо шу кезда жумҳуриятда на Литвиненко ва на уни ҳимоя қилган гумашталар бор.

«...Анишчев, Огарок ва бошқа баъзи депутатлар жумҳуриятдан жўнаб кетганларидан кейин бу ерга бирон марта келиб ҳисоб бермадилар». Жумҳуриятнинг собиқ «меҳмонлари» бугун иссиқ жойларини топиб олишган. Энди бу танқид уларга чивин чаққанчалик кор қилмайди, етиб ҳам бормайди. Ахир улар билан бир қаторда уларнинг тегирмонига сув қуйишдан бошқа нарсани билмаётган кимсаларнинг юзига қараб: «Сиз қачон бунга нуқта қўясиз?» — деб сўралганда таъсирлироқ бўлармиди?

Ҳа, бунинг учун жасорат зарур. Қурултой маърузасида жасоратга йўл очиб берилган эди. Ҳамма нарса ўз номи билан охиригача айтилиши лозим эди.

Менга шунча гапинг бор экан, нега съездда бош эгиб ўтирдинг? — дейишингиз табиий. Ҳали маъруза бошланмасдан сўзга ёзилган эдим. Муҳокамада чиққанларнинг гапларидан хунобим ошганлигини кўрган бир қанча делегатлар имзо чекиб менга сўз берилишини талаб қилдилар. Лекин...

Албатта барча нотиқларнинг сўзларини йўққа чиқармоқчи эмасмиз. Халқ дарди, алами, ўйлари, ташвишлари билан ёниб сўзлаганлар ҳам бўлди. Оддий касб соҳиблари. Дидоренко, Гайдановларнинг номларини такрорлаб обрў олмадилар, балки фирқанинг тақдири билан боғлиқ масалаларни, халқимиз маданиятига доир муаммоларни кўндаланг қилиб қўйдилар.

Хуллас, орқадан гапиришни эмас, юзма-юз туриб баҳслашишни ўрганишимиз керак. Ўшандагина ҳақиқат, адолат биноси тикланишида ғишт қўйган бўламиз.

ҒАЛАБА — КЎПНИНГ МУЛКИ

«...АГАР ОЛИЙ АДОЛАТ мавжуд бўлса, бизнинг эътиқодимизга кўра, халқ фикри олий ҳақиқатдир, худди ана шу адолат, худди ана шу ҳақиқат ўша кишининг номи билан боғлиқ бўлган, жумҳурият ҳаётидаги ўзгаришларда катта аҳамиятга эга бўлган улкан ўзгаришларни рад эта олмайди. Тўғри, ўша даврда хўжакўрсинчилик ва рапортбозлик, дабдаба ва кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик ва фитна ҳам авж олган эди. (Бу иллатлар қачон ва қаерда бўлмаган? ИЗОҲ. Ж. М.)

Хўш, худди ўша Рашидов барча воқеаларнинг асосчиси бўлган эдими? Ва бугун биз якдиллик билан қоралаётган иллатлар фақат унинг ўзигагина хос бўлганми? Ахир худди шундай ҳодисалар бошқа жумҳуриятлар ва регионларда ҳам рўй бермаганмиди?»

Халқимиз бундай одилона, холисанлилло баҳони неча йилдан бери кутарди. Самарқанд тиббиёт институтининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Субҳонқул ака Орипов Ш. Рашидовнинг саломатлиги учун масъул бўлган кишилардан бири эди. Жумҳуриятимизда алғов-далғов кунлар бошланганда, унинг номини тилга олган кишилар лаънатланганда ҳам у киши тинч турмади. Москвага, Тошкентга кетма-кет хатлар йўллади. Рашидовни қоралаётганлар бир пайтлари уни мақтовлар кўрпачасидан туширишмагани, энг улуғ зот деб тарғиб қилишгани ва энди унинг номини йўққа чиқаришаётганлигини очиқ-ойдин, аниқ далиллар билан ёзди. Бироқ, жавоб йўқ эди. У ёзаверди.

Қурултой куни Субҳонқул ака билан ёнма-ён ўтириб қолдик. И. А. Каримов Ш. Р. Рашидов ҳақида гапирар экан, Субҳонқул аканинг кўзи ёшланиб, ўрнидан туриб ўтира бошлади. Шодлиги оламга сиғмас эди. Бўлмаса — худди ўша даврда у соғлиқни сақлаш вазири лавозимидан олиниб, Самарқандга жўнатилган эди. Аммо адолатни шахсиятпарастликдан анча устун қўйди. Анжуманда нутқ сўзлаганлар эса Ш. Р. Рашидов масаласини четлаб ўтишганини юқорида таъкидладик.

Дарвоқе, уни оқлаб беринг деб ҳеч ким даъво қилаётгани йўқ. Гап шундаки, биз бировни мақтасак, осмоннинг еттинчи қаватига олиб чиқиб қўямиз. Ёмонласак эса, ер қатига киргизиб юборамиз. Рашидов тақдири бунга мисол. Заминий ҳисларга қайтмас эканмиз, ўзимизни тўғри йўлда деб айта олмаймиз. Шундай экан, у хусусда бор ҳақиқатни айтайлик.

СЪЕЗДНИНГ сўнгги куни Ўзбекистон ССР Олий Шўроси доимий комиссияларидан бирини бошқараётган ўз фикрига эга кишилардан ҳисобланган Ғулом Заҳриддиновни кўриб қолдим.

— Менинг тақдирим бунга классик мисол, — деди у киши. — Адолатсизлик булути бошимни қоплаганда энг яқин дўстларим, биродарларим ҳам жим туришди. Ачинарлиси шундаки, улар ноҳақлик бўлаётганини билишарди. Кейин мени оқлашганда Марказқўмнинг ўша кездаги жуда кўп аъзолари келиб қучоқлаб олишганлигини унута олмайман. Аввал индамай турдинг, қўрқоқлик қилиб, ҳеч бўлмаса энди ҳам жим тур! Ҳа, бизни турланиш, оқимга қараб «қайиқ солиш», ҳадиксираш, қўрқитиш иллатлари енгиб олган. Ваҳоланки, қўрқоқлик жосусликдан ҳам ёмон.

Қурултой минбарини қарсаклар зарби туфайли тарк этган Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони И. В. Фуженко айрим мақолалар хусусида тўхталаркан, «...хусусан, комсомол газеталаридаги ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги мақолалар муаллифларининг армиядаги иллатларни пеш қилиб, жамиятда армия хизматига барқарор салбий муносабатни тарқатиш йўлидаги уринишлари жумҳурият аҳолисининг кўпгина қатламлари орасида қораланди. Жангчиларнинг сафларида эса ғазаб ва нафрат уйғотмоқда», — деб мутлақо аксил ахборот берди. Ахир, халқимиз бу мақолаларда ҳақиқатни кўрди, адолатни гапирадиганлар борлигидан суюндилар-ку!

Бир чинор қуласа «уҳ» тортамиз. Нега фарзандларимиз тақдирига бефарқ қарар эканмиз? Жаноби Фуженко ўз нутқларида армиядан қочаётганлар сонини эринмасдан йилма-йил санадилар, бу қишлоқлар, шаҳарларда армияга ҳурмат уйғотиши керак деб жар солдилар-у, аммо йилига армиядан қанча тобут келаётгани хусусида сукут сақладилар. Агар ана шу фожианинг олдини олиш хусусида гапирганларида у кишига минбар берилармиди. Минг афсуски, халқ дарди, оналар алами, оталар бўзлаши қўмондон учун ҳеч нарса эмас, у кишига куч керак, куч!

Съезддан кейин «Правда» рўзномаси бу хусусда ёзар экан, «бир овоздан бозор иқтисодиётига қарши» эканлигимизни айтади. Ҳайрон қоласан киши. Ахир И. А. Каримовнинг маърузасидаги бу борадаги сатрларни наҳотки ўқимаслик мумкин. Биз бозор иқтисодиёти тарафдоримиз. Аммо халқни тажриба қилишга қаршимиз. Аввал асослаб беринг, кейин талаб қилинг, деган тушунча бор. Бирданига нон нархини ошириш билан кимга фойда-ю, кимга зиён? Қишлоқ кишиларининг мусаффо ҳавосини заҳарлаб бўлдиқ, замин мубтало қилинди, ичадиган суви қолмади. Фақат нони бор. Шуни ҳам тортиб олсак, кейин у қандай яшайди? Аввал турмушини яхшилайлик, иқтисодий кўмак берайлик унга. Ҳукумат ажратадиган сариқ чақа билан у қаерга боради кейин? Бу ҳалокатли йўл эмасми?!

Хуллас, биз ҳимояланишни эмас, ғалаба қилишни ўрганишимиз зарур. Бунинг учун аввало ҳақиқатни, адолатни букмаслик, шу йўлда дадил турганларни қўллаш, уларга мадад бўлиш зарур. Акс ҳолда фақат ютқазамиз. Қурултойда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раиси Ш. Р. Мирсаидов бундай фикрларни лўнда айтиб қўя қолди: **«Иттифоқ вазирликлари ва идоралари бизнинг бойликларимизга хўжайинлик ва талон-тарож қилишларига энди йўл қўя олмаймиз. Ҳукуматнинг фикрича, Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг янгиланган Қомуси бизга Иттифоқ идораларининг норматив актлари жумҳурият манфаатларига зид келадиган бўлса, уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш ҳуқуқини мустаҳкамлаб бириктириб бериш керак».** Бу ҳам курашга даъватдир.

Қурултой бир сўз билан айтганда, кўп нарсага даъват бўлди. Бу — адолатсизликка, расмиятчиликка, мансабпарастликка... қарши ўт очишга, жанг қилишга даъватдир! Бу даъват ҳам, қурултой ҳам ҳали ўз ишини давом эттиради.

Жаҳонгир МУҲАММАД,
Ўзбекистон ССР халқ депутати, жумҳуриятда хизмат кўрсатган журналист.



ЎЗБЕК АЁЛИ НИМАНИ ИСТАЙДИ?

Ўзини олов гирдобига ташлаган аёллар ва қизлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил этарканман, кўпчилик исм-шарифлар рўпарасида «оилавий жанжал», «ишхонадаги келишмовчилик», «ўқув юртидаги миш-мишлар» каби изоҳларга кўзим тушди. Истаймиз-ми-йўқми, булар ҳам бежиз эмаслигини тан олишимиз керак. Бундай жанжалларни изоҳловчи мутахассисларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳнинг фикрича, аёл — оиланинг гули — уйда ўтириб, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиши керак. Иккинчи тоифа аёлларимизнинг фақат рўзғорга аралашиб қолмасдан, ишлаши тарафдори. Аммо бу ҳақда аёлларимизнинг, опа-сингилларимизу онахонларнинг фикри қандай?

Қуйидаги сўров хатини шу мақсадда туздик. Жинси ва ёшидан қатъи назар, барча муштарийларимиздан ягона илтимосимиз — унга имкони борича кўпроқ ва пухтароқ жавоб йўлласалар.

Шундай қилиб, саволларга ўтамиз. Қўлингизга қалам олиб, аввало саволларни диққат билан ўқиб чиқинг. Сўнг тайёр жавоблардан ўзингизга маъқул келган (битта ёки иккитасини) рақамни доира ичига олинг. Мабодо тайёр жавоблар Сизнинг фикрингизга мос келмаса, ўз таклифингизни ёзишингиз мумкин.

I. ЎЗИГА ЎТ ҚЎЯЁТГАН АЁЛЛАРНИНГ УМИДСИЗЛИККА ТУШИШ САБАБЛАРИ НИМАДА ЁКИ УМИДСИЗЛИКНИ НИМАЛАР КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ?

1. Ҳаёт ўзи умидсизликдан иборат.
2. Китобларда ва мактабларда тасвирланган ҳаёт билан мавжуд ҳаёт ўртасида катта тафовут борлиги.
3. Шунча йиллардан буён бонг уриб келаётган ёрқин ҳаёт ва келажакнинг сароблиги.
4. Сабр-тоқатнинг тугаб бораётганлиги.
5. Бошқача фикрдаман, (ёзинг): —

II. НАЖОТ ТОПМАСЛИК, ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

1. Ахлоқнинг бузилиб бораётганлиги.
2. Дардингга қулоқ соладиган инсоннинг ўзи йўқ.
3. Маҳаллий раҳбарларнинг нўноқлиги.
4. Маслаҳат, ёрдам сўраб борадиган жойнинг йўқлиги.
5. Бошқача фикрдаман:

III. НИМА УЧУН ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ ЁШЛАР ЎРТАСИДА КЎП?

1. Турмуш қуришга тайёр эмаслиги туфайли.
2. Ахлоқий тарбиянинг бўшашиб кетганлиги.
3. Ҳаётдаги адолатсизлик ва тенгсизликларга муроса қилолмаслик.
4. Оғир дала ва уй юмушлари сабабли.
5. Моддий ва маънавий муаммолар олдидаги чорасизлик
6. Тарихий, маданий анъаналардан узилиш.
7. Ёмон табиий муҳит таъсирида турли хасталикларга чалинганлиги туфайли.
8. Ишсизлик.
9. Ўрта ёки олий мактаблардаги таълим тарбиянинг ёмонлиги туфайли.
10. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини ажрата олмаслик.
11. Ҳеч бир сабабсиз. (Қизиққонлик).
12. Йигит ва қизнинг алдамчилигида.
13. Бошқача фикрдаман:

IV. АЙРИМ АЁЛЛАРНИНГ ЎЗ ЖОНИГА ЎЗИ ҚАСД ҚИЛАЁТГАНЛИГИНИНГ БОШ САБАБИ НИМАДА?

1. Турмушдаги моддий етишмовчиликда.
2. Оилада, эр-хотин, қайнона-келин ўртасидаги тенгсизликда.
3. Табиий муҳитнинг ёмонлашганида.
4. Шаҳар билан қишлоқ яшаш тарзи ўртасидаги катта тафовутда.
5. Уй ва дала ишларининг беҳад оғирлигида.
6. Ишхонадаги келишмовчиликларда.
7. Оилада ва қариндош-уруғлар ўртасида жанжалнинг кўплигида.
8. Миш-мишларнинг кўплигида.
9. Бошқача фикрдаман:

V. ҲАЁТДА ВА ОИЛАДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШ, ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

1. Ҳаёт ва турмушдаги қийинчиликларга тайёрликни.
2. Севги ёки ҳурмат билан қурилган оилани.
3. Янги оила аъзолари билан тил топиб кета олишни.
4. Ёш оилага катталарнинг беғараз ёрдамини.
5. Бошқача фикрдаман:

VI. АЁЛЛАР ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛМАСЛИКЛАРИ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИНИШИ, КЕРАК, ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗ?

1. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи яна бир нуфузли ташкилот тузиш керак.
2. Оилаларга бериладиган моддий ёрдамни кўпайтириш керак.
3. Аёлларни дала ишларидан халос этиш ёки енгилроқ ишларга ўтказиш керак.
4. Аёллар умуман ишламасликлари керак.
5. Барча аёллар ишлаши керак.
6. Аёлларнинг иш вақтини қисқартириб, маошини ошириш керак.
7. Табиий муҳит яхшиланиши керак.
8. Уй-жой муаммоси ҳал этилиши керак.
9. Қишлоқ аҳлининг маданий турмуш шароити кескин яхшиланиши керак.
10. Бошқача фикрдаман:

VII. СИЗ ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА АЁЛЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ, МАВҚЕИ ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗ?

1. Бир — икки йилда.
2. Беш — ўн йилда.
3. Умуман яхшиланмайди.
4. Бошқача фикрдаман:

ЎЗИНГИЗ ҲАҚИНГИЗДА МАЪЛУМОТ

Жинсингиз
ёшингиз (сон билан)

эркак

аёл

ҚАЕРДА ЯШАЙСИЗ?

Вилоятлар.	Маркази	Ноҳия маркази.	Бошқа шаҳар	Қишлоқ.
Тошкент	011	012	013	014
Андижон	015	016	017	018
Бухоро	019	020	021	022
Жиззах	023	024	025	026
Қорақалпоғистон АССР	027	028	029	030
Қашқадарё	031	032	033	034
Наманган	035	036	037	038
Самарқанд	039	040	041	042
Сурхандарё	043	044	045	046
Сирдарё	047	048	049	050
Фарғона	051	052	053	054
Хоразм	055	056	057	058
Бошқа жумҳуриятлар	059			

Сўровимизга пишиқ-пухта жавоб берганингиз ва ўзбек аёллари бошига тушаётган оғир кулфатни бартараф этишдек улуғ ишга ўз ҳиссангизни қўшганлигингиз учун Сизга катта раҳмат! Жавобларни қуйидаги манзилга жўнатиб юборишингизни сўраймиз.

700083, Тошкент — 83, Ленинград кўчаси — 32, «Ёш ленинчи» «Анкета».

Замира МАДАЛИЕВА,
Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги кадрлар ва фаолларнинг малакасини ошириш институти илмий ходими.

Хориждан хабарлар

ЯНА БИР ҲАРБИЙ АСИР ОЗОД ҚИЛИНДИ

КОБУЛ. ТАСС мухбири Юрий Тиссовский хабар қилади: Афғонистонда Совет Армиясининг Афғонистон оппозицияси асирлигида бўлган яна бир собиқ аскари озод қилинди.

Нурмамат Ходимуродов бошига тушган воқеа унча мураккаб эмас. У 1968 йилда туғилган. Мактабни битиргандан сўнг 1987 йилда армияга чақирилган ҳамда кичик командирлар мактабини тугатгандан сўнг Афғонистондаги совет қўшинларининг чекланган қисмлари таркибига юборилган. У «ҳаёт йўли» деб аталган Ҳайратон—Кобул йўлининг Боғлон вилоятидаги участкаларидан бирида хизмат қилган.

Унинг гапларига қараганда, бир куни наша чекиб, айланиб келмоқчи бўлади ва оппозициянинг қўлига тушиб қолади. Уни «Афғонистонни озод қилиш учун курашувчи Ислом уюшмаси» Боғлон бўлинмаси отрядларидан бирида ушлаб туришади. Тўда унча кучли эмасди, деб ҳикоя қилади. Нурмамат. Баъзи-баъзида йўл тўсарлик қиларди, асосан Покистондан юбориладиган пул ҳисобига кун кўрарди. Ҳукумат қўшинларига қарши катта операцияларда иштирок этмаган.

Тўда аъзолари ва раҳбарлари асирга тушиб қолган совет аскарига дуруст муомала қилишган, жанговар ҳаракатларда фаол иштирок этишни талаб қилишмаган.

Ҳаёт бир хил давом этаверган. Нурмамат отряднинг бошқа аъзолари билан биргаликда баракда турмаган, деҳқонларнинг қашшоқлигини, исёнкор тўдаларнинг командирлари деҳқонларга солиқ солиб нисбатан яхши яшашларини ўз кўзи билан кўрди. Уйини, туғилиб ўсган Сажаб қишлоғини соғинди. Баъзан ўзбек тилидаги совет радиосини тингларди, умуман мамлакатимиздаги ўзгаришлардан хабардор эди. Асирликдан қочмоқчи бўлар, лекин Ватанга қайтгач кўнгилсиз оқибатлар юз беришидан чўчир эди.

Боғлон исёнчилари қўлида совет аскари асирликда эканлигини биз биринчи марта 1989 йил сентябрь ойида билдик, деб ҳикоя қилади Афғонистон Жумҳурияти давлат хавфсизлиги вазирлигининг вакили, ҳарбий асирларни озод қилиш бўйича Афғонистон ҳукумати ҳузуридаги ишчи гуруҳининг раҳбари полковник Зоҳир. Нурмаматни озод қилиш учун бир қанча оператив тадбирлар ўтказишни белгиладик. Ўз одамларимиз орқали унга уйига хат ёзишни таклиф қилдик. Нурмамат хат ёзди. Сўнгра биз асирга акасининг хатини, фотосуратларини, шунингдек, Қашқадарё вилоят прокурорининг собиқ аскар Ватанига қайтган тақдирда унга нисбатан ҳеч қандай хавф-хатар йўқлиги тўғрисидаги қарорини топширдик. Ана шундай кафолат берадиган хатни у СССРнинг Афғонистондаги элчихонасидан ҳам олди.

Шундан кейин Нурмамат бир қарорга келди. 10 июнь куни автоматни ўқлари билан олиб тўдадан чиқиб кетди. Уни белгиланган жойда оператив гуруҳ кутиб турар эди, Нурмамат дарҳол Кобулга жўнатилди. Шуни айтиб қўяй, бу тадбир бизга жуда қимматга тушди, Нурмаматни озод қилиш учун бир неча миллион афғоний сарфланди.

Полковник Зоҳир совет журналистларига ҳам совет, ҳам афғон ҳарбий асирларини озод қилиш юзасидан ҳукумат комиссияси тузилгач унинг ишчи гуруҳи барча имкониятлардан фойдаланиб, Афғонистоннинг ўзида ва ундан ташқарида оппозициячи тузилмаларнинг дала командирлари билан алоқа ўрнатганлигини айтди. Ўтган афғон йилида (1989 йил март ойидан 1990 йил март ойигача) алмаштириш ва пул ҳисобига Афғонистон Жумҳурияти қуролли кучларининг 224 аскари ва офицери асирликдан халос қилинди. Ушбу афғон йилининг дастлабки уч ойида яна 96 киши озод қилинди. Озод қилинган совет ҳарбий асирлари эса ҳозирча икки киши.

Яқин вақт ичида асирликдаги совет кишилари тўғрисида янги хабар кутиш мумкинми, деган саволга жавобан полковник кулиб қўйди. Кутилган натижага эришиш учун қанчалик сабр-тоқат, маҳорат ва инсоний одоб зарурлигини Нурмамат воқеаси кўрсатди.



Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари тўғри экан. Ҳар нарсадан пул қилишга ўрганган америкалик ношир Малкольм Форбс ўзининг туғилган кунидан ҳам фойда кўришни мўлжаллаган эди. Бу зот 70 йиллик юбилейига меҳмонларини Марокашга таклиф этди. «Аср кечаси» учун 2 миллион долларлик харажат мўлжаллаб қўйилганди.

Форбс соддалик қилиб харажатларнинг бир қисмини журналдаги рекламалар ҳисобига қопламоқчи эканлигини журналистларга айтиб қўймаганда олам гулистон эди. Сир ошкор бўлгач, журналга солиқ тўлаб турувчилар тўполон кўтариб юборишди. Шунда Форбс журналда туғилган кун борасида рекламалар берилмаслигини, фақат у ҳақда кичик хабар билан чекланилишини уқтиргач, аранг тинчишди. «Тайм» журнали ана шу ҳақида хабар қилади.

СУРАТДА: Малкольм Форбс ва унинг меҳмони Элизабет Тейлор «аср кечаси»да.

ТАСС сурат лавҳаси.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК НАТИЖАЛАРИ

СОФИЯ. ТАСС мухбири Игорь Мишакин хабар қилади: БХР Буюк Халқ Кенгашига сайловнинг иккинчи даврасига тайёргарлик Болгария Социалистик партияси ва Демократик кучлар уюшмаси тарафдорлари ўтказган бир қанча митинглар билан тугалланди. Ҳали яна 81 нафар депутатни сайлаш керак бўлади.

Кўп мандатли мавзеларда ўтказилган сайлов натижаларининг таҳлили Болгария Социалистик партиясининг номзодлари 25 та мавзеда, Социал-демократлар уюшмасининг номзодлари эса 15 та мавзеда ғалаба қозониши мумкинлигини кўрсатмоқда. Қолган натижалар кўп жиҳатдан Болгария Деҳқончилик халқ уюшмасининг оддий аъзолари ўз раҳбариятларининг иккинчи даврада социал-демократлар уюшмаси номзодларини қўллаб-қувватлашга даъватини қандай қабул қилишларига боғлиқ бўлади.

„БИЗНИНГ ДОРИЛФУНУН“

«Ёш ленинчи» ҳузуридаги икки йиллик «Ёш мухбирлар дорилфунуни»ни тамомлаганлар шундай дейишмоқда

ҲУР ФИКР САБОҚЛАРИ

Бундан икки йил бурун рўзномамизда «Ёш мухбирлар дорилфунуни»га тингловчилар қабул қилинади» деган мухтасаргина эълонча чиқди. Бир неча кун ўтиб-ўтмай 5-қаватни одам босиб кетди. Нoилож уларни имтиҳон қилиб 100 дан ошиқ ҳавасмандлардан 60 нафарини танлаб олдик. Бундай қилишга мажбур этган нарса, фақат иқтидорлиларни саралаб олишгина эмасди. Бизда 100 кишини сиғдирадиган махсус хона йўқ эди. Ҳатто 60 киши жойлашадиган, дарс қиладиган жой топилмади. Ахийри нашриётимизнинг клубида машғулот ўтказишга рухсат олдик. Шунда ҳам баъзан клубда кино ва мажлис бўлиб қолар, ўшандай кезларда ё ҳовлида ёки муҳаррирнинг хонасини сўраб олиб, ўша ерда йиғилардик.

Мана, энди улар билан хайрлашар эканман, ўзимча бир хаёлга бораман — хўп, ўтган икки йил уларга нима берди? Мана бугун улар шапалоқдек дипломни қўлга олгач, ундан бошқа яна бирор нарсалик бўладиларми? Бу ҳадик, бу хавотир менга роса икки йил шерик бўлди. Ва мен бугун мамнуният билан айта оламанки, улар кўп нарсани ўргандилар. Энг муҳими фикрлашни ўргандилар. Бизда кўп йиллар мобайнида илм сирлари ўргатиб келинган. Фақат фикрлаш, мустақил ўрганилган қобиқларни бузиб ташлайдиган даражада мушоҳада қилиш ўргатилмаган эди. Ўқишимизнинг энг катта ютуғи шу бўлди, деб ўйлайман. Чунки мустақил, эркин, ҳур фикрлайдиган кишилар жоҳилликдан йироқ бўлишади, ўз эл-юрти қисмати учун жони ачишадиган кишилар бўлишади. Мен дўстларимнинг ҳаммаси ҳам мана шундай кишилар бўлиб етишади, деб айтолмайман, лекин шундай бўлишини жуда-жуда хоҳлардим.

Зукко ўқувчилар тез-тез рўзномамиз саҳифаларида чиқарилган турли-туман мавзудаги мақола-ю, суҳбат, репортаж, очерк, юмору-ҳажвияларнинг муаллифлари исмшарифи остида «Ёш мухбирлар дорилфунуни тингловчиси» деган изоҳни кўп кўришган. Иқтисод масалаларга доир қатор ўта долзарб мақолалар муаллифи — Фарҳод Рўзиевни яхши танийсиз. Яқинда «Ёш ленинчи»нинг иқтисодий шарҳловчиси деган эътирофга муяссар бўлди. Баҳром Акбаров — «оқсоқол»имиз. Унинг ҳам демократия ва сайловлар, яна бир қатор жиддий масалалар бўйича муаммоли чиқишларининг гувоҳи бўлгансиз. Уларнинг иккаласи ҳам ёш, иқтидорли олимлар, фан номзодлари. Мутахассислиги бошқа бўлсада, шу ерда юриб мана ҳозир бир неча тингловчиларимиз турли рўзнома ва жаридаларда, ойнаи жаҳон ва сўзнигорда ишлаб юришибди. Сафимизда 40 ни қоралаб қолганлар ҳам бор, 8-синф ўқувчилар ҳам, кундузи ишлаб кейин машғулотга келиб ундан нари институтнинг кечки бўлимига ўқишга югурувчилар ҳам бор. Дарвоқе, Фарида деган қизимиз Боёвутдан, Дилфуза Янгийўлдан, Абдусалим Калинин, Дилмурод Тошкент ноҳияларидан қатнашди.

Улар ҳақида кўп гаплар айтиш мумкин. Лекин яхшиси сизлардан бир илтимос, ушбу суратдагиларни таниб қўйинг, ҳали улар билан «Ёш ленинчи» саҳифаларида кўп учрашасиз.

Аҳрор АҲМЕДОВ,
«Ёш ленинчи» рўзномаси қошидаги «Ёш мухбирлар дорилфунуни» раҳбари.

АРАБ ҲИКМАТЛАРИ

1. Дангасаликнинг оқибати фақирликдир.
2. Олимнинг ўлгани, оламнинг ўлгани.
3. Кимки келажак ҳақида ўйласа, офатдан қутилади.
4. Ҳар бир гапнинг жавоби бор: ҳаргиз аччиқ гапирманглар ва ёмонлик қилманглар!
5. Ҳар бир ишнинг ўртамиёнаси яхшидир.
6. Кимки изласа — топади.
7. Сиринг сенинг асирингдир, агар сен уни айтиб қўйсанг, сен сирингнинг асирисан.
8. Кимки керак бўлмаган нарсани айтса, истамаган нарсасини эшитади.
9. Вафосиз ваъда, сабабсиз душманликдир.
10. Ёлғончилик дард — тўғрилик шифодир.
11. Тинчлик саломатлик белгиси ва тирикчилик сабабчисидир.
12. Билмаган нарсанг билан ҳаргиз мақтанма!

Арабчадан ўгирувчи
Қудратилло МЕҲМОНҚУЛОВ.

Депутатларга буюртма

ҚОНУН МУКАММАЛ БЎЛСИН

Ҳозирги кунда жойларда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож деб ҳисобланган оилалардан аризалар қабул қилинмоқда ва уларга ер ажратиб бериш аста-секин бўлсада амалга оширилаяпти. Бироқ, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож деб кимлар ҳисобланиши кераклиги масаласи аҳоли ўртасида тушунмовчиликни туғдирмоқда. Бизда тор — бир ҳовлида уч-тўрт оила истиқомат қиладиган хонадонлар жуда кўп. Агар бу оилалардан бири уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож эканлиги ҳақида ёрлиқ олиш учун тегишли идорага мурожаат этсалар, улар маҳаллий шароитларни ҳисобга олмай чиқарилган қонун ва қарорларга асосланиб бундай ёрлиқни бермасликлари мумкин. Чунки, 1983 йил жумҳурият Олий Шўросида қабул қилинган «Уй-жой кодекси»га ва 1984 йил жумҳурият Вазирлар Кенгаши қабул қилган «Ўзбекистон ССРда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ва уй-жойларни тақсимлаш қоидаси»га биноан истиқомат қилувчиларнинг жон бошига яшаш майдони етти квадрат метрдан кам бўлсагина уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож деб ҳисобланади. Ахир, бу давлат квартирасида туриб, давлатдан қўшимча квартира олиш учун тўғри келадиган қонун-ку. Бу қонундан келиб чиқадики, агар беш-олти сўтихли ҳовлида бир нечта оила истиқомат қилса ва уларнинг жон бошига тўғри келадиган яшаш майдони етти квадрат метрдан ортиқ бўлса, у ҳолда мазкур қонун ва қарорга асосан бундай оилалар уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож эмаслар, деган хулоса чиқади.

Жумҳурият Олий Шўросининг ва Вазирлар Кенгашининг мазкур қонун ва қароридан маҳаллий шароитимизга тўғри келмайдиган яна бир қанча модда ва бандларини келтириш мумкин. Умуман, бундай уй-жой тўғрисидаги қонун ва қарор Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаеининг бир йил муқаддам қабул қилган қарорига зиддир. Чунки, Марказқўм қарорида ҳар бир оилани алоҳида уй-жой билан таъминлаш кўзда тутилади. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг 1983 йил қабул қилган «Уй-жой кодекси» ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1984 йил қабул қилган «Ўзбекистон ССРда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш ва уй-жойларни тақсимлаш қоидаси» маҳаллий шароитимизга ва давр талабига жавоб бермайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1989 йил 15 май қароридан келиб чиққан ҳолда жумҳурият Олий Шўросининг тегишли доимий комиссияси давр талабига жавоб берадиган янги «Уй-жой кодекси»ни ишлаб чиқиши ва жумҳурият Олий Шўросининг ўтаётган иккинчи сессиясида уни қабул қилишлари лозим, деб ўйлайман.

Акбар БАҲРОМОВ.



СУРАТДА: дорилфунун битирувчилари.

С. МАҲКАМОВ сурати.

Келинг, бир кулишайлик

ФРАНЦУЗ ХАНДАЛАРИ

— Қўшнижон, сиздан илтимос, бугун бир кечага аккардионингизни бериб турсангиз.

— Сиз ҳам аккардион чалишни ўрганмоқчимисиз?

— Йўқ қўшнижон, мен бир кечагина тинч ухлашни истайман.

* * *

Онаси Жонга олма узатди:

— Болажоним, мана бу олмани синглинг иккаланг инсоф билан бўлиб енглар.

Жон: — Ойижон; инсоф билан деганингиз нима дегани?

Онаси: — Бу деганим шуки, олманинг катта қисмини бериб, кичик қисмини олиб қолишдир.

Жон: — (олмани синглисига узатиб) — Ма, бу олмани инсоф билан иккимизга бўл!

* * *

— Йиғлаяпсанми, Мари? Нима гап?

— Акам ва опам ёзги каникулга чиқишапти.

— Сен-чи?

— Мен ҳали мактабга бормайман-да.

* * *

— Вой пирожнимни кучугим еб қўяди, — йиғламсиради қизча.

— Э, қўрқмагин, ея олмайди, мен уни оёғим билан босиб ўтирибман, — деди Тото.

* * *

Қамоқхонада бир маҳбус иккинчисига деди:

— Бу ерга қандай тушиб қолдинг?

—Мен Лебонг банкини ўмарганман.

— Сен-чи?

— Менми? Мен Лебонг банкининг банкириман.

Французчадан
Эркин ЮСУПОВ ВА Асилбек РЎЗИҚУЛОВ ўгирган.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР КЕРАКМИ?

Жумҳуриятимизнинг деярли барча мактабларида инглиз, немис, француз ва испан тили каби Оврўпа мамлакатларининг тиллари мажбурий равишда ўқитилади. Бироқ, саноқли кишиларгина улардан фойдаланади. Бу фанларни ўқитиш учун банд бўлган ўқитувчилар, кетаётган маблағларни ва ундан келадиган нафни бир taққослаб кўринг!

Менинг фикримча, жумҳуриятимизнинг барча мактабларида Оврўпа мамлакатлари тиллари ўқитилиши шарт эмас. Биз инглиз ёки немис тилидан бир умр фойдаланмаслигимиз мумкин. Лекин ён-веримиздаги қардош миллатлар тилидан деярли ҳар куни фойдаланишимизга тўғри келади. Шунинг учун ҳар бир миллат учун ўзига қўшни, кун-кунора саломалик қилиб турадиган халқнинг тилини ўргатиш фойдали деб ҳисоблайман.

Оврўпа мамлакатлари тилларидан инглиз тили ўқитилмоғи лозим. Чунки, бу тил эллар билан алоқа воситаси бўлиб қоляпти. Лекин ҳамма мактабларда эмас, фақат иқтидорли ўқувчилар ўқитиладиган махсус мактабларда ўқитилса айни муддао бўлар эди.

Шарқ мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантириш учун мактабларда махсус равишда форс, араб, ҳинд, хитой ва бошқа шарқ тилларининг ўқитилишини йўлга қўйилиши зарур, деб ўйлаймиз.

Дилмурод КАЛОНОВ.

«АВВАЛ ЕТТИ ЎЛЧАБ, КЕЙИН...»

70-йилларнинг охирларида юқори синф ўқувчилари бирор касбни ўрганишлари учун бир неча мактаблар марказлаштирилиб, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ташкил қилина бошланган. Бу комбинатларда теварак-атрофдаги мактабларнинг 10—11 синф ўқувчилари ҳафтада бир куни асосий машғулотлардан ажратилган ҳолда турли хил мутахассислик бўйича таълим олиб, ҳунар ўрганадилар.

Халқимизда жуда яхши нақл бор. Бирор нарса қилишдан олдин «етти ўлчаб бир кес». Айтмоқчиманки, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида ҳунар ўрганишни ҳаёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўймоқ лозим. Яъни комбинат жойлашган хўжаликка, ёки бирор корхонага қанча ҳамда қандай мутахассислар зарур? Шу эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларга ҳунар ўргатилса, кўнгилдагидек бўлар эди. Бу эса малакали мутахассис керак бўлган ташкилотларни малакали ишчилар билан таъминлашга қўл келар, яъни ўқув комбинати маблағ билан таъминланган бўларди. Мен бу билан умуман ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари тугатилсин, демоқчи эмасман. Уларда ўғил, қизларга касб ўргатишни хўжаликлар билан шартнома асосида ташкил этиш, ҳунар ўрганиш ихтиёрий бўлиб, ҳар бир ўқувчи ўзи ёқтирган касбни ўрганмоғи лозим.

Абдумурод ОРТИҚОВ.

БОЗОРДА НИМА ГАП?

Тирикчилик. Бозорсиз кун ўтмайди. Чунки, дўконлар пештахталари бўм-бўш. Керакли нарсани топиш мушкул. Кераксизи анчагина. Зарури лотерея буюмларидек. Омад келиб қолса ва навбатдаги тўполонларга бардош берсангиз бирон буюм харид қилиш мумкин. Акс ҳолда бозорма-бозор юришга тўғри келади. Май байрами дастурхонининг қиймати ва миқёсини билиш учун бир қанча шаҳар, ноҳия бозорларида бўлдик. Улар ҳақидаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

БОЗОРДАГИ НАРХ-НАВОЛАР*.

сўм ҳисобида

шаҳар	маҳсулот тури				
	Гўшт	Майиз	Туршак	Ёнғоқ	Хандон писта
Тошкент	5,5-6,0	8-10	8-10	6-8	18-20
Бухоро	5,5-6,0	9-10	7-8	7-9	—
Қарши	5,5-8,0	9-10	10	9-10	—
Нукус	6,0	6-7	7-8	6,0	15-17
Боёвут	5-7	6,0	—	8,0	18-20
Жарқўрғон	6-7	8,0	9,0	10,0	—

Харидорлар билан ҳам суҳбатлашдик. Деярли барча бундай нарх-наводан норози. Қексалар билан учрашдик. Урушдан олдинги йилларни эслашади. Мева-чевалар кўп ва арзон. Юқоридаги жадвалда келтирилган мева-чева турларини бозордан кам харид қилишган. Улар деярли ҳамма оилаларда етарли бўлган. Сабабини сўрадик. Кўпчилик якдил пахтага айб қўйишди. Айб пахтадами? У жонсиз ва инсонлар ихтиёридаги нарса-ку.

Лекин, кишилардаги умидни ҳам сездик. Кўнглимизда, яқинда Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг мева-чева ва бошқа маҳсулотларни олиб чиқиб кетишни тақиқлаган қарори маъқул тушган. Бу борада янада кескинроқ чоралар зарур, токим элимизнинг, юртимизнинг дастурхони тўла-тўкис бўлсин. Жаҳонда жаннатмакон деган номни олган Ўзбекистон яна шу номни улуғласин. Шунда, кишиларимиз қалбини бозор харажатлари хираламайди. Дилини оғритмайди.

Ф. ЙЎЛДОШЕВ, Н. САИДОВ, Г. ҚОСИМХЎЖАЕВА, Қ. МЕҲМОНҚУЛОВ, А. ОРТИҚОВ, Р. АБДУЛЛАЕВ, Г. ТУРСУНОВА, Ф. МИРЗАМАМАТОВА, И. АБДИЕВА, Х. ТИЛЛАЕВ.

* 1-5 май кунларидаги баҳолар.

«Нишона» мушоираси

БИР ДОНА ГУЛ

Бир дона гул тутдинг қўлимга,
Ҳамроҳ бўлсин — дея, йўлингда.
Мен гулингни авайлаб олдим,
Сен йўлимга тикилиб қолдинг...

...Вагон ичра қўлимда гулим,
Ўз жойимга ўтирдим келиб.
Ҳамроҳларим қилиб табассум,
Боқар эди маъноли кулиб.

Сувга солиб қўйдим гулингни,
Табассуминг гул ёноғида.
Узолмасдан гулдан кўзимни, —
Сен боқардинг гул япроғидан.

Бир дона гул — бир олам маъно,
Меҳринг, севгинг шунда мужассам.
Келажакдан — бахтдан нишона
Бўлиб менга боқади гул ҳам!

ЧАНҚОВУЗЧИ ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Чанқовузим чаламан,
Далаларда, қирларда.
Бор дардимни соламан,
Юрагим ғаш кунларда.

Чанқовузни чалишни,
Энажоним ўргатди.
Энам айтган куй-қўшиқ,
Кулдирди ҳам йиғлатди.
Шодлигимни сув оққан,
Катта сойга куйлайман.
Кечалари ҳавас-ла,
Боққан ойга куйлайман.

Чанқовуздан таралгай,
Тилда айтмаган ўйлар.
Қайғумдан-да яралгай,
Дилни ўртовчи куйлар...

Саломат ҒОИИБНАЗАРОВА.

ҲАЁТ

Умр—тиним билмаган шамол,
Ўн тўққиз йил—гўё бир лаҳза.
Ҳаёт—қимор ўйнаган ҳалол,
Қиморбознинг кўнгли, бу не ҳол—
Шамол тегиб бўлади хаста?
Ҳаёт — аёз, доимий бўрон,
Ўн тўққиз йил — ўн тўққиз аср.
Умрни мен ушлайман деб, жон
Куйдираман, еллар паришон,
Қўлларимга бўлмаслар асир.
Яшабман мен ҳам кўп-у, ҳам оз.
Бир лаҳза-ю, ўн тўққиз аср,
Шамоллардан қолгани мерос,
Либосидан парчалар холос —
Ҳар оним шеър, йилларим наср.

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА.

ҲАЁТ МАКТАБИ

«Ёш ленинчи» рўзномаси қошида ташкил этилган «Ёш мухбирлар дорилфунуни»га ҳужжат топшираётганимда, ўзимни жуда ҳам бахтиёр ҳис этган эдим. Икки йил ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Лекин мен шу орада бир қанча дўстлар орттирдим, улар билан бўлган баҳслар, тортишувлар эса ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Илк бора мен шу даргоҳда журналистиканинг сир-асрорларидан хабардор бўлдим, мухбирлик мен ўйлаганимча енгил иш бўлмай, балки оғир, матонатли, дунёқараши жуда кенг бўлган кишиларнинг вазифаси эканлигини тушуниб етдим. Бу ерда бизларга ўзларининг билимлари билан ўртоқлашган ТошДУ ўқитувчилари — профессор Очил Тоғаев ҳамда Мухтор Худойқуловлардан миннатдорман.

Бундан ташқари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг ходимлари билан бўлган суҳбатлар, баҳслар эса янада қизиқарли бўларди. Мана шундай хайрли ишни ташкил қилган «Ёш ленинчи» рўзномасининг ходимларига каттадан-катта раҳмат. Ахир улар ўзларининг қимматли вақтларидан озроқ бўлса-да тежаб биз билан суҳбатлашишга вақт топишарди.

Балки шу даргоҳдан ҳам келажакда етук журналистлар етишиб чиқар. Ҳеч бўлмаганда улар «Ёш ленинчи» рўзномасининг ашаддий муштарийлари бўлиб қолади. Мен 2 йиллик ўқиш давримга ачинмайман. Сабаби шу ерда менинг мақолам чиқди. Билим доирамни бирмунча кенгайтирдим. Яхши дўстлар орттирдим. Журналистларга бўлган ҳурматим янада ортди. Бу ердан олган билимлар вақти келиб ҳаётда, ишлаб чиқаришда асқотиб қолса ажаб эмас. Шунинг учун мен, «Ёш мухбирлар дорилфунуни»да ўтказган ҳар бир кунимни фахр билан эслайман. Биздан кейин ҳам бу даргоҳ ёшлар учун ҳамиша очиқ бўлсин.

Фазлиддин ЙЎЛДОШЕВ,
ТошПИ толиби.

* * *

Икки йил аввал шу редакция қошида ташкил этилган «Ёш мухбирлар дорилфунуни»га қабул қилиндим. Қувончим чексиз эди, чунки ўзим севган касбимга озгина бўлса-да яқинлашишга эришгандим.

Шу икки йил мобайнида аста-секин бир-биримизни ўргана бордик, кимдир кучли, кимдир ўрта, кимдир шунчаки қизиқиб тингловчи бўлган экан. Ва энг асосийси, аста-секин биз ҳам ишга шўнғидик, ҳа, ҳа, худди журналистлар каби топшириқлар олдик, рўзнома саҳифаларида бирин-кетин мақола, шеър, лавҳа, ҳикояларимиз «қораси» кўрина бошлади. Улар дорилфунунимизнинг баҳордаги бетакрор чечаклари каби рўзномамиз саҳифаларига ўзгача файз бахш этарди. Назаримда бу бизнинг дорилфунунимиз борлигидан нишона эди.

Кўп ўтмай мен ҳам топшириқ олдим. Менга шоир Э. Воҳидовдан самарқандлик талабалар мактубига жавоб хати олиб келиш топширилганди. Менинг биринчи суҳбатим шу киши билан бўлганидан ўзимда йўқ хурсанд эдим. Бу учрашув ҳаётимдаги қувончли кунларим қаторида муҳрланиб қолса, ажаб эмас.

Икки йил ўтди-кетди, курсдошларимга назар соламан, анча ўзгарганмиз, ҳозиржавоб, дадилроқ, ўз фикримизни равон баён қила оладигандекмиз. Шунинг ўзи бизлар учун дорилфунунимиз даргоҳидан топган бебаҳо бойлик бўлса керак.

Фарида МИРЗАМАТОВА.

* * *

Қишлоқдан шаҳарга, оғир меҳнат ўрнига аудиторияларда ўтириб лекция тинглаш ва шундай дорилфунунда таълим олиш мен учун жуда катта бахтдир.


Машғулотлар илк бошланган дамларда малакали журналистлар томонидан олиб борилган ҳар бир дарс олам-олам таассурот қолдирарди. Кейинчалик машғулотлар қизғин баҳсларга айланиб кетди.

Мана шу ўтган вақт ичида мен дорилфунундан, устозлардан журналистиканинг сир-асрорларини ўрганиб олдим. Дорилфунун дунёқарашимнинг шаклланишида асосий мактаб бўлди. Ўқиш даврида эркин фикрлайдиган, ўз фикримни чўчимай музокарага ташлайдиган бўлганимдан хурсандман.

Машғулотлар рўзномамиз бўлимларида, муҳаррирнинг хонасида ҳам ўтарди. Редакция жамоаси ҳеч қачон биздан вақтини аямади, аксинча, кўпроқ мулоқотда бўлишга таклиф этди.

Машғулотларга қатнаб журналистикани нечоғлик мураккаб, масъулиятли эканлигига амин бўлдим. Халқ дарди ва ташвишлари билан бирга яшашга ўрганган дорилфунунга раҳмат.

Нусрат САИДОВ.



Адиб Саид АҲМАД — 70 ёшда

Таниқли ўзбек шўро ёзувчиси Саид Аҳмадни муштарийларимизга таништириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Уз ижодини 30-йилларнинг ўрталарида журналист сифатида бошлаган қаламкаш ярим аср давомида ўзбек адабиётида воқеа бўлган талай асарлар яратди. Унинг 40-йилларда чоп этилган «Тортиқ», «Эр юрак», «Фарғона ҳикоялари», «Муҳаббат», 50-йиллардаги «Чўл бургути», «Чўл шамоллари», «Чўл оқшомлари», «Ҳукм», «Суд» каби қисса ва ҳикоялар тўпламлари китобхонлар қалбини забт этди. Айниқса «Уфқ» трилогияси унга катта шуҳрат келтирди. Бу асарда ёзувчи ўзбек халқининг руҳий дунёсини, унинг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, жасорати, чинакам инсоний фазилатлари, олижаноб ва юксак туйғулар соҳиби эканлигини меҳр-муҳаббат билан тасвирлади. Ана шу романи учун ёзувчи 1978 йилда Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ёзувчининг драматургия ва кино соҳасидаги ижоди ҳам «Келинлар қўзғолони», «Куёв», «Тўйлар муборак» спектакль ва кинофильмлари орқали томошабинларга таниш.

Узбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудига 70 йил, ижодий фаолият бошлаганига эса 50 йил тўлганлигини жамоатчилик айни кунларда кенг нишонламоқда. Ёзувчини қутлуғ айём билан муборакбод этар эканмиз, унинг 1959 йилда ёзилган, ёшларга бағишланган бир ҳикоясини эълон қилишни лозим кўрдик.



(ҲИКОЯ).

Кеча жуда ойдин эди. Азамат тeракларнинг япроқлари кумуш астарларини ойга тутиб, ором уйқусига кетишган. Фақат ариқлардаги тинмагур сувларгина қўнғироқ чалиб сачишади, қирғоқлардаги гиёҳларнинг баргларини тортқилаб, уларни узоқларга олиб кетмоқчи бўлишади. Уларнида мудраган қушлар эса уйқусираб патирлаб қўйишади.

Шу ором ва фароғатга тўла саратон тунида боғ кўчадан бир қиз билан бир йигит келади. Уларнинг соялари олдинга чўзилган, худди шу соялари босиб олмоқчи бўлаётгандай, етолмайдилар. Баъзан уларнинг бу узун соялари дарахт соясига қўшилиб кетади-да, яна пайдо бўлади.

Улар анҳор кўприги устида тўхташди. Иккисининг сояси кўприк устига кўндаланг тушиб ётиб олди.

— Қачон кетасан? — бу қизнинг овози эди.

— Ҳозир кетаман! — деди йигит бир қадам орқага тисарилиб. Унинг сояси кўприкдан ошиб, сув бетига тушди. Ойнинг сув жимирдаги чақнаб қолди.

— Йўқ, Мирзачўлга қачон кетасан, деяпман.

— Бирон ҳафтадан кейин кетсам керак, — деди йигит бепарволик билан. Энди у яна олдинга чўзилган. Сув жилвасидаги яна ойнинг кумуш тангаси чақнади. — Узи уйинг қаёқда? Етай деб қолдикми?

Қиз орқасини ўгириб олди.

— Ун йил бирга ўқиб ҳалигача уйимни кўрмагансан-а, қўй-э. — Унинг овозида ўпкалаш, таъна, нималардир бор эди.

Улар бир неча минут сўзсиз туриб қолишди. Қиз кўприк панжарасига бағрини бериб, сув оқиб кетаётган томонга қараб турарди. Сув шалоблаб соҳилга урилади, орқага қайтмоқчи бўлади, аммо оқим кучи уни қўймай, туннинг сирру сеҳрига тўлган қўйнига олиб кетади.

— Совқотдим, — деди қиз титраган товуш билан.

— Уйингга кета қол бўлмаса, — деди йигит унга раҳми келиб.

Қиз кескин бурилиб йигитга қаради. Қаради-ю, унинг кўзларига тикилиб индамай қолди. У вужудида, қалбида нималар бўлаётганини билмасди. Унинг гоҳ йиғлагиси, гоҳ кулгиси, гоҳ бутун кечани остин-устун қилиб қўшиқ айтгиси келарди.

— Кетаман, хайр, — деди йигит унга қўлини узатиб, унинг ҳам қўли титради. Йигит бир неча қадам нари кетди. Тўхтади. Орқасига ўгирилди, нимадир демоқчи бўлди. Деёлмади. У ҳам шарақлаб оқаётган анҳорга қаради. Шамол эсди. Терак барглари шитирлади. Аллақайда бузоқ уйқусираб маъради. Кимдир, жуда олисда қўшиқ айтди. Яна тинди. Йигит қайтиб келди-да, қизнинг билагидан ушлаб қаттиқ сиқди. Унинг сочларини қулоқларига ўраб эркалади. Кейин тез бурилиб узун соясини орқасига эргаштириб кеча қўйнига кириб, йўқ бўлди.

Қиз у билан хайрлашганини, билагини ушлаганини, сочларини қулоқларига ўраганини сезмади. Фақат олисдан тош йўлда унинг қадам товушлари эшитилиб турди. Сўнг у ҳам ўйчан ҳолда уйига қараб юриб кетди.

Бу қиз худди шу бугун унинг билан битириб, балоғат гувоҳномасини олди. Мактаб ҳовлисида ҳали ҳам чироқлар ёниб турибди. Улардан завқли шовқин келади. Ҳамсинфлар ҳали тарқалишганича йўқ. Ҳовлини тўлдириб танца тушишапти, қўшиқ айтишапти. Тонг отиши билан улар ҳар томонга тарқаб кетишади. Улардан фақат бирга олдирилган суратгина ёдгор қолади, холос!

— Шундаймикин?

Дўстлик-чи, ўн йиллик хотиралар-чи, бирга кечирган аччиқ-чучук кунлар-чи, ҳар куни неча бор дарсга чақирган қўнғироқ товуши-чи, отадек меҳрибон ўқитувчилар-чи. Ҳаммаси энг ширин хотира бўлиб ёдда қолади. Мана шу азиз нурга, оҳангга тўлган боғбор хотиралар орасидан бўй чўзиб, қад кўтариб, ҳаммадан олдинда, баланд бўлиб Омоннинг қиёфаси кўринади. Нега?

Бу саволга қиз жавоб тополмасди. Жавоб ҳам излаб кўрмасди. Шу ойдин кечада ҳамма нарса унинг хотирасидан кўтарилди-ю, биргина Омоннинг юзи, кўзи, гавдаси, бутун борлиғи билан пайдо бўлди.

У тош йўлдан битта-битта босиб шу йигит ҳақида ўйлаб борарди.

Омон синфдошлари ичида энг шўх, энг урушқоқ бола эди. У қизлар билан чиқишолмас, уларга кун бермас эди. Ёнига бирон қиз ўтириб қолса зарда билан бошқа партага ўтиб кетарди. Пардоз қилган қизларни жуда ёмон кўрарди. Бир куни Санобар деган қиз юзига упа суриб келганда унинг қўлини, қайириб, дастрўмоли билан юзидаги упани артиб ташлаган эди. Қизлар ҳам уни хушламас, минг хил лақаб қўйиб чақиришарди.

Имтиҳоннинг дастлабки кунлари эди. Омон синфда ҳеч ким йўқлигини билиб эшикни зичлаб беркитди-да, ғайритабиий бир товуш билан деди:

— Азиза, ўнинчини битирганимиздан кейин менга тегасанми?

Шунда Азиза жаҳл устида унинг юзига бир шапалоқ урди-да, йиғлаб чиқиб кетди. Бу сирни уларнинг иккови ҳам ўз ичида сақлади, ҳеч ким билмай қолди. Омон шундан кейин қизга рўбарў келишдан қўрқиб, ўзини четга олиб юрди.

Қиз тўйи бўлган шу кечада Азиза ўша воқеани тез-тез эслайдиган ва ҳар эслаганида юрагининг аллақаерни «жиз» этиб кетадиган бўлиб қолди. Ҳар гал мактаб ҳовлисига кириши билан кимнидир, ниманидир жонсарак бўлиб кутарди. Унинг шўх, қувноқ кулгилари камроқ эшитиладиган бўлиб қолди. Ҳамиша чақнаб турадиган кўзларида билиб бўлмайдиган ички бир дарднинг ифодаси сезилиб турарди. Омон ҳам уни зимдан кузатар, кўзи кўзига тушганда бирдан тунд бўлиб қоларди.

Имтиҳонлар тугаб, биров ишга, биров ўқишга кетадиган бўлди. Азиза қўйиб берса ихтиёрини Омоннинг қўлига топширишга тайёр эди. Бугунги хайрлашув кечасида Омон Мирзачўлга, МТСга кетишини айтди. Ҳамма унинг бу қарорини чапак чалиб қарши олганда Азиза бир сесканиб кетган эди. Танца бошланди. Азиза Омонни четга чақириб, ундан уйига кузатиб қўйишни сўради. Омон унга жавоб бериш ўрнига:

— Бай-бай-бай. Мунча атирга беланмасанг. Роса гуллаб кетяпти-ку, — деди.

Азизанинг «О тентак, ҳаммаси сен учун» деб юборгиси келди. «Кел, кузатиб қўя қол» деб ёлворди унга.

Шовқин тўла мактаб ҳовлисини ортида қолдириб улар иккови ковлашиб боғ кўча томонга йўл олишди. Ой нури боғу роғларга оппоқ нур сочиб турган шу сокин саратон тунида уларнинг иккови жимгина келишаркан на унисидан, на бунисидан садо чиқарди. Бу жимликни Омон бузди:

— Ўша бемаъни гапимни эсингдан чиқаз, Азиза, — у шундай деди-ю, бу камгап, лекин ниҳоятда ажиб бир ҳиссу-ҳаяжонга тўлган қиз олдида ўзини кўрсатиш учун азим теракними, анҳор бўйидаги шохлари тарвақайлаб кетган толними илдизи билан кўтариб осмонга отгиси келди.

Қиз ҳам унинг бу ҳолатини сезиб турарди.

— Қанақа бемаъни гап, эсимда йўқ, — деди қиз ўша «бемаъни» гапни яна эшитгиси келиб.

Омон тил чайнади.

— Ҳу синфда икковимиз ёлғиз қолганда бир гап айтган эдим-ку.

— Ҳа, — деди Азиза чўзиб. Ўша гапни борди-ю эсимдан чиқазмасам-чи?

Омон юришдан тўхтади.

— Унақа бўлса бу юзимга ҳам яна ур, шундай қилсанг яхши бўлади, сени кузатмай қайтиб кета қоламан.

— У вақтда ёш бола эдик.

— Нега ёш бола бўларканмиз. Ўн беш кун бўлди, холос. Дарров катта бўлиб қопмиз-да, — Омон шу гапни айтди-ю, шарақлаб кулиб юборди. Тол бутоғида мудраган мусича чўчиб кетди.

— Бўлмасам-чи, мана, — деди Азиза, шу бугун, бундан ярим соатча олдин қўлига теккан етуклик аттестатини баланд кўтарди, балоғат гувоҳномасининг зар ёзувлари ой нурида ялтираб кетди. — Мана, катта одам бўлиб қолганимизнинг гувоҳи. Энди мени ёлғиз ташлаб уйингга кетиб қолмайсанми?

— Йўқ, — деди Омон унинг билагидан ушлаб.

Азизанинг бадани дириллаб кетди. Дарров қўлини тортиб олди.

— Ўшанда юзимга ёмон ургансан-а.

— Айтдим-ку, у пайтда ёш бола эдик. Энди катта одаммиз.

— Энди ўша гапни айтсам урмайсанми?

— Гап билан ураман, — деди Азиза. — Йўқ, урмайман, наҳотки сени урсам. Сени урадиганнинг қўли синсин.

Омон маст одамга ўхшаб каловлаб қолди. Кетма-кет уч марта қоқилди. Толнинг каллагига бошини уриб олиб, дўпписини тушириб юборди. Осмонга қараб баркашдек ой баландлаб кетганини энди билди. Хўрсинди, гапи гапига қовушмай қаёқдаги кераксиз гапларни алжирай бошлади. Унинг бу ҳолатини қиз сезиб турарди.

Ҳозир у тош йўлдан битта-битта босиб ёлғиз келаркан, Омон ҳақида, ўзи ҳақида, юрагини ўртаётган алланималар ҳақида ўйлаб борарди.

Она уни кута-кута чироқни ўчирмай супа ўртасида аллақачон ухлаб қолганди. Қиз гулзор четидаги ўша супага ўтирди. Энгашиб райҳоннинг бир шохини синдирди-да, димоғига олиб келди. Райҳон иси уни чинакамига маст қилган эди. Унинг негадир ўкириб-ўкириб йиғлагиси келарди. Гуллар орасига кириб, чалқанча ётиб, қимирламай ойга то у ботиб кетганча қараб ётгиси, шу гулларнинг ҳаммасини бирма-бир юзига суртгиси, ойнинг оқ ипак толасидек кўринмас нурларига чирмашиб, ҳув ўша юлдуз тўла осмонга чиққиси, бутун оламга етгудек овоз билан қўшиқ айтгиси келарди.

Она супа ўртасида ширин уйқуда ётарди.


Э, ғофил она, тур, кўзингни оч, қизингнинг юрагига қулоқ сол. Унинг қалбига муҳаббат келди. У эртага уйингни тарк этиб, юрагига ўт солган йигит билан, унинг хаёлларидек кенг, этаги уфқларга туташган чўлларга кетади. У ўша ерда муҳаббатидек соф, қизлик иффатидек беғубор кишилар сафига қўшилади.

Муҳаббат шундай қудратли бир кучки, кимнинг қалбига йўл топган бўлса, уни ҳам ўз йўлига бошлайди.

Кўзингни оч, она, қизингга оқ йўл тила!

Диққат, диққат!

ХИВАДА «ЁШ ЛЕНИНЧИ» БАЙРАМИ



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР! Ёзнинг айни пишиқчилик палласида — 21-23 июнь кунлари қўҳна Хива шаҳрида ва ноҳиясида «Ёш ленинчи» рўзномасининг кунлари ўтказилади. Бу сафарги қизиқарли учрашувлар Хоразм комсомолининг 70 йиллик юбилейига бағишланади ҳамда ана шу айём тантаналарига уланиб кетади. Муштарийлар билан бўладиган мусоҳабаларда «Комсомолец Узбекистана» ҳам, Хива ноҳиясининг «Коммунизмга рўзномалари ижодкорлари ҳам фаол иштирок этадилар. Ноҳия рўзномаси «Ёш ленинчи» билан биргаликда бу мулоқотга бағишлаб махсус сон тайёрламоқда.

Шу кунлари жумҳурият ёшлар рўзномаси ходимлари ҳамкасблари билан ҳамкорликда муштарийлар билан учрашувлар ўтказадилар, дилдан суҳбат қурадилар. Орол фожиаси билан боғлиқ воҳада юз бераётган муаммолар билан танишадилар. Ёш шоирлар иштирокида катта мушоира бўлади.

Бу учрашувларда қалам соҳиблари билан биргаликда жумҳуриятимизнинг иқтидорли санъаткорлари, кулги усталари иштирок этишади. «Зангори экран»да сиз севиб томоша қилаётган «Қувноқлар ва зукколар» конкурсининг моҳир бошқарувчиси Соат Шарипов ҳамда яқинда Тошкентда ўтказилган жумҳурият аскиячилар беллашувининг қатнашчиси Ғофур Мирзабоев ана шу кунларга завқ-шавқ бағишлайдилар. Бундан ташқари Хоразмнинг такрорланмас қўшиқлари ва рақсларининг моҳир ижрочилари, энг истеъдодли санъаткорлари хизматингизда бўлади.

Спорт шинавандалари ҳам четда қолишмайди. «Ёш ленинчи»нинг ижодкор командаси вилоят комсомол қўмитаси ходимларидан тузилган команда билан беллашади.

Хуллас ўзининг такрорланмас гўзаллиги билан бутун оламни ўзига маҳлиё этаётган, 2500 йиллик юбилейини қаршилаётган Хива шаҳри ва ноҳиясида ўтадиган рўзнома ҳамда Хоразм комсомолининг 70 йиллиги юбилейи кунлари янада қизиқарли ўтади. Унинг тантаналарида қардош Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Мухтор жумҳурияти ёшларининг вакиллари, жумҳуриятимизнинг барча вилоятлари комсомол етакчилари иштирок этиш истагини билдиршгани янада қувончлидир.

Шундай қилиб Хивада катта тантана бўлади. Кимки «Ёш ленинчи»ни севса, уни янада қизиқарли ва ўқимишли бўлиши учун жон куйдирса, шу айёмга ташриф буюрсин. Хоразмнинг, қолаверса жумҳуриятимизнинг энг қобилиятли ёш санъаткорларини Хивага таклиф этамиз.

Бундан қарийб ўттиз йил муқаддам Хоразмнинг машҳур созандаси Комилжон Отаниёзов бу кунларни шундай куйлаган экан;

Тўйингга келибдур дўстлар, қардошлар
Ишчилар, деҳқонлар, зиёли ёшлар.
Комил хуш айёмда ашула бошлар,
Орзуйим, хуморим — сени куйласам.



ИТАЛИЯ '90

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг ҳар бир куни кутилмаган натижаларга бой бўлмоқда. Ман-ман деган футбол билағонларининг тахминлари ҳам бирин-кетин чиппакка чиқмоқда. Чемпионат бошида Камерун командаси муддатидан илгари 1/8 финалига чиқиши кимнинг хаёлига келганди дейсиз. СССР терма командасининг бунчалик суст ўйин кўрсатишини ҳам ҳеч ким кутмаган эди. Уч карра жаҳон чемпиони Бразилия командаси мухлислар кутган жанговарликни кўрсата олмади. Футбол юлдузлари Марадона, Гуллит, ван Бастен ҳам ҳозирча ўз мухлисларини хушнуд этишолгани йўқ.

Шундай бўлсада, футбол ишқибозлари ҳар бир учрашувни ҳаяжон билан кузатишаётир. Ҳозирча Италия, Камерун, Аргентина, ГФР, Чехословакия, Бразилия, Бельгия сингари командалар кучлилар сафига йўлланма олдилар.

СССР терма командаси кеча ўз группасида сўнгги учрашувни ўтказди. Футболчиларимиз бу гал Камерун командасига қарши майдонга тушишди. Бу ўйин ҳақида рўзномамизнинг навбатдаги сонида хабар қиламиз.

Кейинги учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: Камерун — Руминия — 2:1, Италия—АҚШ —1:0, Югославия — Колумбия — 1:0, Уругвай — Бельгия — 1:2, Ирландия — Бирлашган Араб Амирликлари — 1:0, Бразилия — Коста-Рика — 1:0.

Совринлар учун курашадиган 16 команда қандай аниқланади? Ҳар бир группадан иккитадан команда ҳал қилувчи ўйинларда иштирок этади. Тўпланган очколар, тўплар нисбати, киритилган тўплар сони, ўзаро учрашувлар натижаларига кўра кучлилар сараланади. Агар айрим командаларда ана шу натижалар бир хил бўлиб қолса, қуръа ташланиб, ўринлар белгиланади.

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Владикавказда маҳаллий «Спартак»ни 4:3 ҳисобида енгиб, ўз мухлисларини хушнуд этишганди. Маълумки, ҳамюртларимиз сафарда камдан-кам ҳолларда ғалабага эришиб келмоқдалар.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни «Котайк» билан ўтказди. Абовянлик футболчилар олдинги турда «Қайрат»ни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишганди. Арманистонликлар бу гал «Пахтакор»ни қабул қилишди. Тўғриси, ҳамюртларимиз бу учрашувда ғалаба қозонишларига ишончимиз катта эди. Афсуски, командамиз яна мағлубиятга учради. (1:0).

«Пахтакор» 2 июлда Тираспολда маҳаллий «Тирас»нинг меҳмони бўлади.

САБОНИС ВА ВИЛЬНЮС ГЎЗАЛИ

Яқинда машҳур баскетболчи Арвидас Сабонис Вильнюс гўзаллари конкурси ғолиби Ингрида Микелёните билан никоҳдан ўтди. Ёш келин-куёвлар Испанияда камида бир йил яшашлари керак. Чунки «Форум» клуби Арвидас билан шартномани яна бир йилга узайтирди. Шартнома баҳоси 1 миллион 300 минг доллардир.

ИККИНЧИ ЛИГА БАҲСЛАРИ

Жаҳон чемпионати билан бир пайтда мамлакатимизнинг турли шаҳарларида иккинчи лига командалари учрашувлари ҳам қизғин давом этмоқда. «Навбаҳор» ўз майдонида «Трактор»ни 2:1 ҳисобида енгди. «Спартак» эса «Динамо»га 1:2 ҳисобида ютқазди. «Вахш»—«Нефтяник» баҳсида ҳисоб очилмади. «Сурхон» — «Автомобилист» командалари ўйинида 2:1 ҳисоби қайд этилди. «Звезда» эса ўз майдонида «Шахтёр» дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритди. «Копетдағ» ўз майдонида «Целинник»ка 0:1 ҳисобида ўйинни бой берди.

«ЁШ МУХБИРЛАР ДОРИЛФУНУНИ» ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бугун кеч соат 17 да редакция биносида «Ёш ленинчи» таҳририяти ҳузуридаги «Ёш мухбирлар дорилфунуни» битирувчиларига дорилфунунни битирганлиги тўғрисидаги дипломларни топшириш маросими бўлади.

20 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

● УзТВ I

11.30 «Бир муҳаббат тарихи». Телефильм. 12.00 «Уйланиш». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-90». Биология. 18.10 «Кучук бола ва эски шиппак». Мультфильм. 18.20 Регби. СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — «Слава» (Москва). Репортаж. 19.00 «Яхшидан боғ қолади». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 20.00 Москва. «Вақт». 20.30 Ўзбек классик қўшиқларидан концерт. 21.10 «Тижорат хабарлари». 21.15 «Мусиқа ва замон». 22.00 «Ахборот». 22.20 **Ўзбекистон ССР Олий Советининг II сессиясида.**

● УзТВ II

17.30 «Диққат, стартга!» (рус тилида). 18.05 «Лайлак келди, ёз бўлди». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 19.30 «Давр тақозоси» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Вақт». 20.30 «Эй, Бухоро, шод бошу дер зиҳ». 21.10 Ҳаёти деҳот». 21.50 «Панди ниегон». 22.00 «Ахбор». 22.15 «Ҳаммаси меъёрида». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Австрия — АҚШ терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 17.00 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 17.30 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 18.45 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 20.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 20.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 20.35 Долзарб интервью. 20.45 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 21.05 «Мюзикллар, мюзикллар». 21.35 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бразилия — Шотландия терма командалари. Италиядан кўрсатилади.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Югославия — Бирлашган Араб амирликлари терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади. 9.15 «Сибирь маневри». Телевизион ҳужжатли фильм (Иркутск). 9.45 «Зиёратчилар». Ҳужжатли фильм. 10.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Италия — Чехословакия терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.

* * *

17.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Светозар лавҳалари» (Киров шаҳри). 17.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 17.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 19.15 «Вертикаль». «Театрдан икки қадам нарида...» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Пермь). 19.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мушук — баликчи». 20.00 **Россия партия конференциясида.**

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БУЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 01383. Д. — 23486.